МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ

Р.М.ИСМОИЛОВА, З.К.ҲАҚНАЗАРОВА

Статья посвящена проблеме интегративного подхода для развития профессиональной компетентности будущего учителя профессионального образования в условиях интеграции образования, науки и техники.

The article is devoted to the problem of integrative approach in development of professional competence of the future vocational education teacher in integration conditions of the education, science and technology.

XXI аср интеллектуал бойлик асри деб эътироф этилгани бежиз эмас. Сабаби, жамиятнинг ривожланиш жараёнининг жадаллашуви ва истиқболнинг технологияларга боғлиқ бўлиши ўз аҳамиятини намоён қилмоқда. Касбий фаолиятнинг турли соҳаларидаги бозор муносабатларининг жадал суръатлар билан ривожланиши меҳнат ва касб бозорларидаги муносабатларнинг рақобатчилик мезонлари асосида амалга оширилишини белгилаб бермоқда. Бу жараён таълим соҳасига бевосита таалуқли бўлиб, бўлажак мутахассис кадрларни тайёрлашда, уларнинг интеллектуал потенциалларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ўқув-тарбия жараёнига янги педагогик технологияларнинг кириб келиши таълимда талаба нафақат ўқув-тарбия жараёнининг субъекти, эндиликда унинг индивидуал қирраларини ҳам қўллаб-қувватлайдиган ҳодиса сифатида ўзини намоён қилмоқда [1].

Бугунги кунда нафақат эркин ва мустақил фик-

рлайдиган ижодкор кадрларни, балки ўз хатти-ҳаракати учун чуқур масъулиятни ҳис қиладиган ҳамда жамият аъзолари билан тенг ҳуқуқлилик тамойили асосида муносабатга кириша оладиган кадрларни етиштириб бериш вазифаси турибди. Давлатимиз равнақини ўйлаб, ёшларни бунёдкорлик йўлида бирлаштириш, уларни ягона Ватан, ҳуқуқий-демократик давлатнинг бўлажак фуқаролари этиб тарбиялаб вояга етказиш таълим тизимининг устувор вазифаларидан бири қилиб белгиланган [2]. Шу билан бирга, ҳозирги кунда таълимга янги парадигмаларнинг кириб келиши, таълим-тарбия жараёнида таълим сифатини ошириш қатор омиллар билан боғлиқ эканлиги маълум бўлмоқда.

Олий таълим муассасалари битирувчиларининг касбий яроқлилиги уларнинг билим ва кўникмалар ўртасида алоқадорлик ўрната олиш, билимларини муаммоларни ечишда адекват ҳолда қўллаш каби қобилияларининг ривожланганлик даражаси билан белгиланади. Касбий яроқлиликнинг моҳияти ва уларни шакллантириш йўллари Л.С.Выготский, П.Я.Гальперин, И.А.Зимняя, А.А.Леонтьев, А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн, касбий таълим мазмунини такомиллаштириш, касбий билимларни эгаллашнинг ўзига хос хусусиятлари Р.Ҳ.Жўраев, Н.А.Муслимов, З.К.Исмоилова, Ж.Г.Йўлдошев, П.Т.Магзумов, К.Ж.Мирсаидов, У.Н.Нишоналиев, А.Р.Ходжабоев, С.Р.Волкова, Э.Т.Чориев, Р.Н.Чориев каби олимлар ишларида ёритиб берилган.

Уларда айтилишича, касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш жараёни сифатни таъминлайдиган шарт-шароитлар тизимли мажмуининг яратилишини тақозо этиб, унинг таркибий қисми – касбий таълимни фан ва ишлаб чиқариш жараёнлари билан интеграциялаш тизимини таъминлашдир.

Мавжуд шароитда касбий таълимнинг янгича ёндашувлари, шакл ва усулларини излаб топишда миллий таълим тизими, миллий қадриятлар, илғор мамлакатларнинг тажрибалари ва педагогик инновацияларга асосланиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотларимиз натижасида шу ҳолат маълум бўлдики, касб-ҳунар таълими сифати учта асосий омилга боғлиқ экан:

- бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий тайёргарлигига;
- методик ва таълим-тарбия фаолиятини амалга ошириш маҳоратига;
- талабаларнинг мотивациясини ҳамда фаол ҳаракатларини ташкиллаштириш қобилиятига.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий яроқли қилиб шакллантириш учун мутахассислик фанини ўқитиш жараёнида амалий фаолиятни рўёбга чиқариш учун интегратив шарт-шароитлар яратиб берилиши лозим. Бу муаммонинг ечимини фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси орқали топиш мумкин. Мутахассислик фанидан ўқув машғулотлари давомида нафақат таҳсил олиш, балки ушбу ўқув машғулотлари бўйича таълим беришни йўлга қўйиш орқали мутахассислик ва педагогик-психологик кўникмаларни бир вақтнинг ўзида шакллантириш бўлажак касб таълими ўқитувчисида касбий ва педагогик яроқлиликни шакллантиришга имкон беради.

Мутахассислик фанидан касб таълими йўналиши бўйича таҳсил олган бир гуруҳ талабалар ўқув фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатдики, мазкур фанни ўзлаштиришда қуйидаги қатор муаммолар пайдо бўлаётган экан:

- фанни ўқитиш даврида яхши ўзлаштирувчи талабалар сонининг гуруҳда босқичма-босқич кўтарилиб бориш ўрнига камайиши сезилмоқда;
- ўқув юкламасининг узлуксиз ўзгариши, яъни модернизация қилиниши фан бўйича мавзулар юкламасининг тўғри тақсимланмаслигига олиб келмоқда;
- ўқув дастури ва режасидаги ўқув машғулотлари мавзулараро узвийлигининг етарли даражада таъминланмаганлик ҳолатлари кузатилмоқда.

Юқорида қайд этиб ўтилган муаммоларни ечишда мутахассислик фанини ўқитишга комплекс ҳамда интегратив ёндашувларни амалга оширишга эҳтиёж мавжудлиги маълум бўлди. Интеграция жараёнининг моҳияти унинг ҳар бир элементи орасидаги боғлиқлик алоқаларини аниқлаш ҳамда ягона тизим сифатида шакллантирилиши билан белгиланади. Интеграция жараёни икки хил бўлиб, бизнинг ҳолда горизонтал интеграция ҳодисаси таълимда узвийлик, фанлараро алоқадорлик, мақсадлилик ва дифференциациялаштириш тушунчалари билан чамбарчас боғлиқликда амалга ошади [3]. Мутахассислик фанини ўқитишнинг ижтимоий қиррасини ёритадиган бўлсак, талабалар гуруҳининг ички тартибини кузатиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, ушбу гуруҳда айрим талабаларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи ўзгариши, яъни оила бунёд этиши туфайли унинг зиммасига қўшимча масъулият юкланиб, бу ўз навбатида талабанинг таълим борасидаги масъулиятини иккинчи даражага чиқишига сабаб бўлган. Бу икки омил, талабанинг ўзлаштириш кўрсаткичи ва ижтимоий фаолияти ўртасида бевосита корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлиб, уларнинг бир-бирига таъсир кўрсаткичи 49 фоизни ташкил қилади. Шунингдек, мутахассислик фани ўқув юкламаси ҳажмининг ортиши мазкур талабаларнинг яхши ўзлаштирувчилар даражасидан ўрта ўзлаштирувчилар даражасига тушишига олиб келмоқда. 5140900 - Касб таълими (Енгил саноат маҳсулотлари технологияси) йўналишининг 105 нафар

талабалари билан ўтказилган тадқиқот натижалари кўрчатишича, маъруза машғулотларида талабалар ўзлаштиришига нисбатан кўп ҳажмдаги маълумотларнинг берилиши 55 фоиз респондентлар томонидан эътироф этилган. Шу билан бирга, лаборатория машғулотлари ҳақида фикр юритганда, ундаги вазифалар 53 фоиз респондентларга мураккаблик туғдиргани маълум бўлди.

Демак, мутахассислик фанини ўқитишда педагогик ва технологик қирраларни уйғунликда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мутахассислик фанини ўқитишда ўқув-меъёрий ҳужжатлар, жумладан, ўқув дастурларининг мазмунини тўғри шакллантириш устувор масала қилиб белгиланиши фан мазмунига интегратив ёндашувнинг сингдирилишига имкон беради. Касбий таълим соҳасидаги ислоҳотлар фан бўйича ўқув режада ўз аксини топиб, бунда йил сайин аудитория соатига нисбатан мустақил таълим учун ажратилаётган юклама ҳажми ортиб бораётганини кўриш мумкин. Бугунги кун миллий таълим тенденцияси шундай шаклланмоқдаки, талаба олий ўқув юртига таҳсил олишга эмас, балки таълим олиш йўлларини ўрганиш учун киради. Жамиятнинг ривожланиши ва тобора ўзгариб бориши келажакда мутахассиснинг ўз устида мустақил ишлаши ва изланиши ҳамда ўз маҳоратини такомиллаштириб боришини тақозо этади. Шу маънода, ўқув дастурларида фан бўйича асосий маълумот аудитория машғулот (маъруза, лаборатория)лари ҳисобига талабаларга етказилади. Мустақил таълим учун эса алоҳида янги мавзулар устида изланиш талаб қилинади. Лекин ўқув машғулотлари учун ажратиладиган битта дарс соати чегараланган бўлиб, барча назарий маълумотларни фақатгина аудитория машғулотлари ҳисобига бериб бўлмайди. Бу каби муаммолар ўқув машғулотларида бериладиган ўқув материалининг оптимал ҳажмини етказиб бериш усулларини аниқлаш заруриятини туғдиради.

Мутахассислик фани бўйича амалий ва лаборатория машғулотларида индивидуал ёндашувни таъминлаш учун таълим жараёнига қандай мақсадлар қўйилган ва бу жараёнда қандай воситалардан фойдаланилади, деган саволларга жавоб топиш лозим [4]. Узвийлик ва индивидуаллаштириш ҳамда табақалаштириш жараёнларини ўзаро уйғун ҳолда ташкил этиш учун уларнинг умумий томонини аниқлаш зарур.

Интеграция жараёни бевосита узвийлик билан алоқадорликда кечиб, мутахассислик фани мазмунининг умумий моҳиятини талабага етказиб берилишини таъминлайди.

Юқорида келтирилган ҳодисалар орасидаги умумийлик ўқув мақсадларини шакллантиради. Ҳар қандай машғулотни ташкил қилишда, аввало, унинг ўқув мақсадлари аниқланади ва уларга мос равишда таълим жараёнининг ташкилий-услубий томонлари лойиҳалаштирилади. Амалий машғулотларда талабаларда технологик ва педагогик кўникмаларни бир вақтнинг ўзида шакллантириш мақсадига ўқув жараёнида ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирини ўқитишга асосланган таълим услубларини қўллаш орқали эришиш мумкин. Авваламбор, бу жараёнда талабалар фаолияти тузилмаси қандай эканлигини аниқлаб олиш зарур. Талабалар орасида олдиндан ўтказилган махсус тест синовлари орқали уларнинг ўзлаштириш даражалари ва имкониятларини ҳамда ижтимоий фаолиятидан келиб чиққан ҳолда уч тоифага гуруҳланади:

1-тоифа – юқори поғона, P - pedagogue гуруҳи бўлиб, уларга талабалар билан мустақил-ижодий фаолиятни ташкил қилиш орқали ўқитувчилик функцияларини бажариш топширилади.

2-тоифа – ўрта поғона, A - assistant гуруҳи бўлиб, таълим стандартида белгиланган билимлар берилади ҳамда бу тоифадагилар қисман таҳсил олувчи ва қуйи поғонадагилар учун ўқитувчилик функцияларини бажарадилар.

3-тоифа – қуйи поғона, S – student гуруҳи бўлиб, уларга ўқув материаллари соддалаштирилган, бироқ ўқув минимумида белгиланган ҳажмда юқори ва ўрта поғонадагилар томонидан берилади, бу гуруҳдаги талабалар фақат таҳсил олиш функциясини бажаришади. Лекин улар таълим жараёнининг пассив иштирокчилари бўлиб қолмаслиги учун асл педагог томонидан бошқа гуруҳ фаолиятини кузатиш кўникмалари тарбияланади ва аста-секинлик билан улар ҳам педагогик малакаларга эга бўлиб борадилар.

Юқорида келтирилган тоифаларнинг ўқув жараёнидаги фаолиятларини ташкил қилиш ўқув мақсадларига асосланиб қурилади. Базавий маълумотларни назарий машғулотларда олган талабалар эндиликда ўз билимларини нафақат кўникмага, балки бошланғич малакага айлантиришлари учун амалий машғулотларда мутахассислик ва педагогик-психологик билимларини интеграциялаган ҳолда фаол тарзда ҳаракат қиладилар. Таълим жараёнининг асл педагоги узвийликни назарда тутган ҳолда, мутахассислик фани машғулотлари учун ҳар бир мавзуга доир умумий ўқув мақсадларини шакллантиради. Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир тоифага ўзига мослаштирилган хусусий мақсадлар мажмуини топшириқ сифатида беради. Бунда талабалар улкан ҳажмдаги ахборотлар билан ишламай, балки билишлари лозим бўлган асосий ахборотлар билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қиладилар. Талабалар билимини янада такомил-

лаштириш учун дифференциациялашган мавзулардаги топшириқлар асосида мустақил таълим ташкил қилинади.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, талабаларнинг индивидуал-дифференциациялаштирилган дастур бўйича ўқитилиши фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичларининг 20 фоизга ортишига олиб келди.

Хулоса қилиб, мутахассислик фанини ўқитишда қуйидаги тавсияларни беришимиз мумкин:

биринчидан, фанни ўқитишда талабаларнинг интелектуал салоҳиятларини аниқлашнинг самарали усулларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади;

иккинчидан, фан бўйича ишчи дастурларини индивидуал ва интегратив ёндашувлар асосида тузишда, авваламбор, фан мазмунидаги таянч тушунчаларни аниқлаш, аудитория машғулотлари ва мустақил таълим учун бутун фан мазмунини тўғри ва тенг тақсимлаш орқали ўқув машғулотлариаро узвийликни таъминлаш керак;

учинчидан, “Касб таълими” йўналиши бўйича бакалаврларни ўқитишда индивидуал-дифференциациялашган ва ҳамкорликка асосланган таълим технологияларининг қўлланиши бўлажак мутахассисларни педагогик яроқли кадрлар этиб тарбиялашда аҳамиятлидир. Мутахассислик фанини ўқитишда таълим-тарбия жараёнини бундай шаклда ташкил этиш талабаларда касбий кўникма ва малакаларни мустаҳкамлабгина қолмай, уларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришга имконият яратади.

Адабиётлар:

1. Мавлянова Р.А., Гасанова Л.В. Дифференцированный подход - один из средств повышения качества знаний, умений и навык.// Таълим технологиялари.- 2010. -№ 1.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир / 2010 йил 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзланган маъруза. / “Ишонч”.- 2010.- 28 январь.
3. Левченко В.В. Интеграция научных знаний - основа профессиональной компетентности студентов. // Актуальные вопросы вузовской науки: сборник трудов научных и научно-методических статей. - Самара: изд-во СИУ, 2005. - С.125-145
4. Алиқулов С.Т. Ўқувчиларнинг умумтехник билим ва кўникмаларини ривожлантиришда фанлараро алоқадорлик: пед.фан.номзод...дис. – Т., 2008. – Б. 20-65.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти,
2011 йил 29 сентябрда қабул қилинган